Шайбонийнинг хаёт тарихида эътиборга молик учта мухим нукта бор. У аввало ўрта осиёликларнинг ички кучларига таяниб юришлар килган ва окибатда чегараси Амударё доирасидан жуда узокка чўзилган бир мамлакатни барпо этган буюк сохибкиронларнинг охиргиси эди. Бундан кейинги жанговар йўлбошчилар, махорат ва хирслари канчалик катта бўлмасин, бу борадаги бахт-омадга эриша олмадилар. Ичдан кучайган Эрон гарбдаги Бухоро ва Самарканд эллари учун енгилмас, юксак ва метин бир девор холига келди. Иккинчидан, бундан кейинги Ўрта ва Гарбий Осиёда кабилалар уруши катъий тугади. Ўзбеклар Турон яйловидан жануби-гарбга тушган кавмларнинг энг сўнгги кабиласи бўлишди. Учинчидан, Аму ва Сир дарёларининг нариги тарафидаги илк мусулмонлар билан Гарбий Осиёдаги дин кардошлари ўртасида жуда якин бўлмаса-да, доимий бир алока бор эди. Темурийларнинг инкирози ва халокати билан бу алока тамоман сўнди. Хусусан, сафавийларнинг шиаликни кувватлашлари сабабли алока узилиши янада чукурлашди. Бу айирмачилик ва мазхабчилик билан Ислом вужудига козик кокдилар. (Херман Вамбери, «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи», Тошкент, 1990 йил).
Бу козик ханузгача чикарилмай яра бойлаб ётибди.